Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 217 (4615).
24 СЕНТЯБРЬ 1981 й.
ПАЙШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ҳаёт ва одамлар

АТРОФДА БОЛАЛАР БОР

Журналист Абдусаттор Хатамовнинг юқоридаги сарлавҳали мақоласида негадир баъзилар ўзлари билмаган ҳолда ёки бепарволик оқибатида болаларга ёмонлик қилиб қўйишлари ҳақида, номимизни доим улуғлайдиган фарзандлар тарбиясига ниҳоятда эҳтиётлик билан ёндошиш тўғрисида фикр юритилади.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Бугун шу анкета саволларига ёзувчи ва медик Ҳабибулла Қодирийнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

БИРИ ДИЛКАШ, БИРИ ДИЛОЗОР

«Одамлар орасида» рубрикаси остида берилаётган юқоридаги сарлавҳали мақолада дилкаш, меҳрибон одамлар эъзозланиб, ўз муомаласи билан кишилар дилини ранжитувчи баъзи кимсалар танқид ўти остига олинади.

ҚАЛБДА ОЧИЛГАН ГУЛ

Шу сарлавҳали материалда ишхонада, маҳаллада кўпчилик хизматига бел боғлаган оддий касб эгаларининг ишлари шарафланади.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА ЯНГИ ИСТИҚОМАТ МАСКАНЛАРИ

БУГУН

«Қўйлиқ—5 Б» массивидаги Ким Пан Хва кўчасидаги иккита беш қаватли ҳар бири 50 оилага мўлжалланган турар-жой бинолари фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Янги истиқомат масканларини Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинатининг А. Закусилов ҳамда Р. Егафаров бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари бунёдга келтиришди.

Биноларга мазкур комбинатнинг пардозлаш бригадалари сифатли сайқал беришди. Айни пайтда бу ерда яна учта беш қаватли турар-жой бинолари фойдаланишга тахт қилинмоқда.

СТУДЕНТЛАР УЧУН


БУГУН

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 6-трестининг 70-бошқармасига қарашли И. Богомолов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси қурувчилари пойтахтимизнинг Студентлар шаҳарчасида Тошкент Давлат университети студентлари учун янги тўққиз қаватли 221 ўринга мўлжалланган ётоқхона биноси қурилишини муддатдан ярим ой олдин ниҳоясига етказдилар.

Айни пайтда бу ерда «Таштрансспецстрой» трестининг 72-қурилиш бошқармаси бригадалари ободонлаштириш ишларини олиб боришмоқда.

И. Богомолов бригадаси 7-ноябргача бу ерда яна бир тўққиз қаватли ётоқхонани қуриб фойдаланишга топшириш учун қизғин иш бошлади.

М. ФЕЛЬДМАН.



Тошкент трактор заводининг коллективи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини шараф билан адо этмоқда.

СУРАТДА: корхона 31-цехининг моҳир электр пайвандчиси, илғор бригада аъзоси Анвар Абдураҳимов. У смена-ойлик топшириқларини мунтазам 120—130 процент адо этади.

М. Нуриддинов фотоси.

Пойтахтимизнинг бир куни



• КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

• БУНЁДКОРЛАР ЗАРБДОР ВАХТАСИ

• УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов раислигида шаҳар хўжалигини қишга тайёрлаш бўйича штабнинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Октябрь районида ва трамвай-троллейбус бошқармасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши кўриб чиқилди.

Бугунги кунда уй-жой фондига асосий эътибор берилмоқда. Лекин шунга қарамасдан ҳали ҳам бир қанча камчиликлар мавжуд. 6-ЖЭКка қарашли бир қанча уйларда иссиқлик иншоотларини профилактикадан чиқарилган, подъездларга кираверишдаги эшиклар ремонт қилинмаган. «Марказ—13» кварталидаги 33, 35, «Марказ—27» кварталидаги 1, 5, 17-уйларнинг ертўлаларини сув босиб ётибди. Оқтепа массивидаги турар жой бинолари атрофи, Гулҳаний кўчаси чиқиндиларга тўла. 2-пойафзал фабрикасига қарашли турар жой бинолари атрофи, Гулҳаний кўчаси чиқиндиларга тўла. 2-пойафзал фабрикасига қарашли турар жой бинолари атрофи ҳам бир қанча камчиликлар мавжуд. 6-ЖЭКка қарашли бир қанча уйларда иссиқлик иншоотларини профилактикадан чиқарилган, подъездларга кираверишдаги эшиклар ремонт қилинмаган. «Марказ—13» кварталидаги 33, 35, «Марказ—27» кварталидаги 1, 5, 17-уйларнинг ертўлаларини сув босиб ётибди. Оқтепа массивидаги турар жой бинолари атрофи, Гулҳаний кўчаси чиқиндиларга тўла. 2-пойафзал фабрикасига қарашли турар жой бинолари атрофи ҳам чиқарилмаган.

Шаҳар транспорти қишнинг қировли кунларида намунали ишлаши ҳозирдан белгиланиб олинган ишларнинг тўла бажарилишига боғлиқ. Трамвай-троллей б у с бошқармасида 416 километрдаги симлар, 43 та электр стрелкалари ремонтдан чиқарилиб, бу ерда фақат транспортларни қишга тўла тайёрлаб қўйиш билан бирга, қорларни йиғадиган, транспортлар ремонтдан чиқарилган. Лекин шунга қарамасдан троллейбус-трамвай бошқармасида қишга тайёргарлик бўйича ҳамма ишлар бажарилмаган. 1-троллейбус депоси ва 2-трамвай депоси территориясига асфальт ётқизилмаган. 1-трамвай депосида трамвай ҳайдовчилар етишмайди, маршрутларга графикда белгиланган вагонларнинг ҳаммаси чиқарилмаётир. Айниқса Қорақамиш, Қўйлиқ массивлари, Авиасозлар шаҳарчаси аҳолисига ёмон хизмат кўрсатиладаётир. Юқорида қайд этилган барча камчиликлар қисқа муддат ичида бартараф этилиши даркор.

Штаб мажлисида Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди.

Йиллик план—7 ноябрга

УНУМДОРЛИК ОШЯПТИ

Пойтахтимиз а г и кўпгина корхоналар қатори чарм маҳсулотлари фабрикаси коллективи ҳам КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини кўтаринки руҳ билан ҳаётга татбиқ этмоқда.

Фабрикада илғор ташаббуслар кенг йўлга қўйилган бўлиб, бу меҳнат унумдорлигининг ошишига, юксак кўрсаткичларга эришишга ёрдам бермоқда. «Ўн бешлар ташаббуси»га қўшилган фабриканинг кўплаб ишчилари беш йилликни 3—4 йилда бажариш учун жонбозлик кўрсатишмоқда.

Фабрикада йил бошидан бери 3 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқилди. Аҳолига плондан ташқари 240 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Корхонада ўзаро социалистик мусобақа яхши натижалар бермоқда.

БУГУН

фабриканинг М. Алиева, М. Охунов, Б. Жўраев ва Р. Камолов сингари илғор ишчилари 1982 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлашди. Ишчиларнинг аҳди қатъий. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллик кунига қадар 1982 йилнинг биринчи квартали планини бажариш учун тер тўкишмоқда.

ПАРТИЯ ЎҚУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Фрунзе район партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан район партия ташкилотлари ва пропагандист кадрларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Тўпланганлар ҳузуридаги район партия комитетининг секретари Т. Искандаров доклад қилди. Йиғилишда коммунистларнинг марксча-ленинча таълимига раҳбарлик савиясини яхшилаш, ўқув сифатини оширишга, унинг ҳаёт билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасини мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Актив йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори Н. Тўхлиев иштирок этди.



Николай Андреевич Терновенко мана 22 йил дирки, экскаватор заводида меҳнат қилиб келяпти. У корхонадаги мураббийлар советининг раисидир. Кекса ишчининг заводда кўплаб шогирдлари бор.

СУРАТДА: Н. Терновенко (чапдан-ўнгга) 1-механика цехидаги комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Г. Содиқов билан янги ўрнатилган станокни кўздан кечиряпти.

Х. Мирзакаримов фотоси.

СССРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ИЛҒОРЛАР ТАШАББУСИ

БУГУН

Тошкент лак-бўёқ заводининг М. Пирогова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ташаббусидан ибрат олган 112 коммунистик меҳнат зарбдори СССР-нинг 60 йиллигига ўз зиммаларига юксак оширилган мажбурият олдилар. Улар икки йил ичида беш йилликнинг икки ярим йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилганлар.

Бу ташаббусни корхонада 19 коммунистик меҳнат бригадаси ҳам қўллаб-қувватлади. Улар орасида Меҳнат Қизил байроқ орденли слесарь В. Гаврилов, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, аппаратчи М. Мўртазин ва унинг ҳамкасби И. Илҳомов ва бошқалар бор.

Мамлакатимизнинг қутлуғ санасини муносиб совғалар билан кутиб олишга тайёргарлик кўраётган корхона коллективи ҳар бир ҳафтанинг тўртинчи кунида тежаб қолинган электр қуввати ҳисобига, байрам арафасида эса 17 кун тежалган ёқилғи ҳисобига ишлашга қарор қилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда шу нарса уқтириб ўтиладики, мамлакатда оммавий физкультурани ривожлантириш, совет спортчиларининг маҳоратини ошириш, халқаро спорт алоқаларини кенгайтириш соҳасида катта ишлар қилинди. Физкультура ҳаракатининг кенг миқёси социализмнинг муҳим ютуқларидан биридир.

Физкультура ва спорт билан муntазам равишда шуғулланиш меҳнат коллективларининг ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичларига самарали таъсир қилишини, иш вақтининг зое ўтишини камайтиришга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ва кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартиришга кўмаклашишини тажриба кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, министрликлар ва идоралар, шунингдек, кўпгина спорт ташкилотлари физкультурани совет кишиларининг кундалик турмушига жорий этиш учун зарур чораларни кўрмаяптилар, мавжуд моддий базадан самарали фойдаланмаяптилар. Аҳоли баъзи қисмининг жисмоний тайёргарлиги ҳали ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш инсонга нисбатан қўяётган талабларга тўла-тўкис мувофиқ келаётгани йўқ. Ишчи ва хизматчиларнинг кўпинчa жисмоний чиниқиши заифлиги сабабли касалга чалиниши оқибатида халқ хўжалиги катта зарар кўрмоқда. Қишлоқ аҳолисини, студентларни ва мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш ишида жиддий камчиликлар бор. Аҳолининг, айниқса болалар ва ўспиринларнинг спорт анжомларига ошиб бораётган эҳтиёжлари ҳали ҳам яхши қондирилмаяпти.

(Давоми иккинчи бетда).

ВАГОНЛАР БИР МИНУТ ҲАМ БЕКОР ТУРМАСИН

Муддатлари ўтиб кетди

Аввалги кунлардагидек, Тошкент юктовар станциясида бўғдой келтирилган вагонлар узоқ вақт бўшатилмай қоляпти. Тошкентга ғалла келтириш давом этяпти, тегирмончилар эса уни қабул қилиб олишга кўнгилдагидек тайёргарлик кўришмаган. Натижада қарийб ҳар тун станцияларда ғалла ортилган вагонлар бўшатилмай қоляпти. Айниқса 2-дон маҳсулотлари комбинатидагилар шошмаяптилар. 20 сентябрь куни тунда шу корхона, масалан, 20 та вагонни бўшатмай қолдириб кетди.

Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги ғаллани тушириб олишда юзага келган аҳволни тузатиш учун шошилинч чоралар кўриши керак.

Темир йўлга келган юкларни бошқа корхона ва ташкилотлар ҳам ўз вақтида тушириб олмайди. Жумладан, ўтган шанбадан якшанбага ўтар кечаси Сергели станциясида 20 та юк ортилган вагон тупади. Якшанба куни пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводи бир вагон полиэтиленни, Ўзбекистон илмий-реставрация ва ремонт устахонаси бир вагон цементни, «Ўзэовсетснаб» Тошкент область базаси бир вагон формалинни, Тошкент химия-реактив базаси бир вагон тошни бўшатмай қолдириб кетишди.

Бир неча кун мукаддам «Главташкентстрой» корхоналарига қўплаб цемент келтирилди. Лекин қурувчилар бу зарур қурилиш материалини олиб кетишга шошишмаяпти. 9-темир-бетон буюмлари заводи (тўрт вагон), 4-йирик панелли уйсозлик заводи (1 та вагон), 3-ишлаб чиқариш корхоналари комбинати (5 та вагон) цементни тезроқ тушириб олишмаяпти.

Бир неча ойдирки, Сергелидаги ошхона ва бошқа мебеллар заводи «ДСП» тахталари етишмаётганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини бажаролмаяпти. Мана, уч вагон плита келди. Бироқ, корхонадагилар бу ҳом ашё маҳсулотни тушириб олишга шошмадилар. Улар станцияга белгиланган муддатдан анча кеч етиб келдилар.

Сергели станциясида «Ўзэлектростройтрестига қарашли бошқарма ва «Ташобласельстрой» трести, қурилиш материаллари плиталари заводи вагон оборотига тўғаноқ бўлишяпти.

Собир Раҳимов станциясига 17 сентябрда сувда чўкишдан сақлаш бўйича республика жамиятининг Марказий кенгашига бир вагон қайиқ келди. 21 сентябрда ҳам бу қайиқлар тушириб олинмади.

Салор станциясида транспорт интизомини бузувчилар қаторида «Малика» трикотаж бирлашмаси, Луначарский станциясида эса, 1 ва 2-ёғочни қайта ишлаш заводлари бор.

ТАШАББУСЛАР

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси махсус конструкторлик-техн и к а бюросининг механика-энергетика бўлими партия группаси коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишида иккита кранни муддатидан икки ой илгари монтаж қилиш мажбуриятини олишди, бу эса кўл меҳнати сарфини 16 процент камайтиради.

«Узбексель м а ш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр-пайвандчи М. Хабиров бошчилик қилаётган пайвандлаш участкаси коллективи смена топшириғини мунтазам 125—130 процентдан бажариш мажбуриятини олди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси махсус конструкторлик-техн и к а бюросининг механика-энергетика бўлими партия группаси коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишида иккита кранни муддатидан икки ой илгари монтаж қилиш мажбуриятини олишди, бу эса кўл меҳнати сарфини 16 процент камайтиради.

«Узбексель м а ш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр-пайвандчи М. Хабиров бошчилик қилаётган пайвандлаш участкаси коллективи смена топшириғини мунтазам 125—130 процентдан бажариш мажбуриятини олди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобот-сайлов партия йиғилишида тикувчи А. Просина социалистик мажбуриятини қандай бажараётгани ҳақида гапириб берди. У ўз мажбуриятини қайта кўриб чиқиб, йиллик топшириқни 7 октябргача бажаришга аҳд қилганини айтди. Цехнинг олти коммунисти бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Цех партия ташкилоти йиғилишида заргарлик заводининг бригада бошлиғи А. Файзуллаев бригада беш йиллигининг икки йиллик топшириғини В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигигача бажариш мажбуриятини олганини маълум қилди.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Мухбирлар марказий хабар қилади

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ниҳоясига етмоқда.

Бўлиб ўтаётган йиғилишлар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қўйган вазифаларни ҳал этишда коммунистларнинг активлиги ва аниқ мақсадга қаратилган қатъиятидан ёрқин далолат бериб турибди. Коммунистлар ўз сўзларида ҳисобот даврида партия группалари ва цех партия ташкилотлари ишларини ҳар томонлама таҳлил этмоқдалар.

Доклад ва музокараларда план ва соцмажбуриятларни бажариш, ни сифатини яхшилаш, хом ашё, электр энергияси ва материалларни тежашда коммунистларнинг етакчилик ролини ошириш масалалари асосий ўрин тутяпти.

Пардозлаш трести, тўқимачилик ва енгил саноат институти, «Узгипроводхоз» лойиҳалаш институти, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, агрегат заводи, 3-таксопаркда ҳисобот ва сайловлар юксак савияда, активлик билан, ҳолисона танқид ва ўзўзини танқид руҳида ўтди. Йиғилишлар жараёнида кўпгина қимматли ташаббуслар майдонга келди.

ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАР

Тошкент агрегат заводи 1-цехининг ҳисобот-сайлов партия йиғилишида катта мастер И. Николаев ва токарь В. Клокотнов касаба союз ташкилотига партиявий раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги учун партия бюроси шаънига эътироз билдирди. Улар шунингдек партиявий топшириқларни қандай бажараётганликлари тўғрисида бюро йиғилишларида тез-тез коммунистларнинг ҳисоботларини эшитиб боришни таклиф этишди.

«Совғалар» фабрикасининг совға буюмлари цехи партия йиғилишида слесарь Н. Пўлатов хом ашё бир маромда келмаётгани, ишчилар учун маиший шарт-шароитлар етарлича яратилмаётгани учун маъмурият шаънига бир қатор эътирозлар билдирди. Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Президиуми автобазасининг слесари Р. Тўхтиев йиғилишда сўзга чиқиб, автобазада ихтирочилик ва рационализаторликка кам эътибор берилаётгани, рационализатор л и к таклифлари ўз вақтида расмийлаштирилмаётганини айтиб ўтди. Автобаза рационализаторларини моддий рағбатлантириш масаласини қўйди.

«Оқ олтин» хирмонига

Республикамиз областларида пахта йиғимтерими суръати ошиб бормоқда. 22 сентябрь куни Тошкент областида йиллик планнинг 4,61 проценти, Наманган областида 2,76 проценти, Қашқадарё областида 2,47 проценти, Бухоро областида 2,39 проценти, Фарғона областида 2,20 проценти миқдорида «оқ олтин» тайёрланди.

Мавсум бошидан бери топшириққа нисбатан Бухоро областида 30,34, Фарғона областида 28,38 процент, Сурхондарё областида 25,54 процент, Қашқадарё областида 18,86 процент, Наманган областида 18,39 процент, Тошкент областида 17,80 процент миқдорида пахта тайёрланди.

Машина терими суръати ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан 22 сентябрь куни машиналари билан планга нисбатан Тошкент областида 5,03 процент, Наманган областида 2,46 процент, Бухоро областида 1,54 процент пахта терилди.

22 СЕНТЯБРЬ КУНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙИЧА 1,95 ПРОЦЕНТ, МАВСУМ БОШИДАН БЕРИ 15,74 ПРОЦЕНТ МИҚДОРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ 15,14 ПРОЦЕНТ БАЖАРИЛДИ.

● ФУТБОЛ

СССР—ТУРКИЯ—4:0

Футбол бўйича СССР терма командаси кеча Испанияда ўтадиган жаҳон чемпионатига икки йўлланма учун нураш бораётган учинчи Европа саралаш группасида ўзининг навбатдаги учрашувини ўтказди. Бу сафар футболчиларимиз ўз майдонларида Туркия терма командасини қабул қилдилар. Учрашув 4:0 ҳисобида совет спортчилари фойдасига тугади. Тўпларни Чивадзе, Демьяненко, Блохин ва Шингелия киритди.

СССР терма командаси навбатдаги саралаш матчини 7 октябрь куни Измирда Туркия командаси билан ўтказади.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

НИҚОБ ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Миср президенти Садат ўз режимини о з бўлмаса «демократия намунаси» деб таърифлаб, уни салобатли қилиб кўрсатишга ҳарчанд уринмасин, барибир ниқобини олиб ташлашига ва дунёга ўзининг ҳақиқий башарасини — ўз халқига уруш эълон қилиб, эркинликни бўғаётган кимса эканлигини кўрсатишига тўғри келди. Мисрда оппозициячи ташкилотлар ва арбобларга қарши кўлами ва шафқатсизлиги жиҳатидан мислсиз жазо операцияси авж олдириб юборилганлигини фақат шундай баҳолаш мумкин. Миср жамияти барча табақаларининг вакилларидан иборат 5 мингдан кўпроқ киши қамоққа ташланди. Булар орасида оппозициячи партияларнинг бошлиқлари, собиқ министрлар ва депутатлар, таниқли журналистлар, дин арбоблари, ишчилар ва студентлар бор. Кўпгина газеталар ёпиб қўйилди, давлат муассасалари ва ўқув юртларида ёппасига тозалаш ўтказилмоқда. Ҳатто мачитларга ҳам ҳукумат тайинлаган руҳонийлар юборилди.

Аҳоли оммавий норозилигининг сабаблари яққол кўриниб турибди. Қоҳира режими бу норозиликни бошқача воситалар билан энди ўдалай олмас эди. Асосий сабабларидан бири — мамлакатни улғурмасдан ва чаканасига сотиб юбораётган, Мисрни Кўшма Штатлар билан Исроилга бўйсундиришдан иборат таслимчилик йўлига ўтиб олган Садатнинг халқ манфаатларига зид сиёсатидир. У ана шу йўлга амал қилиб, арабларнинг дунёсидагина эмас, шу билан бирга ўз мамлакатида ҳам батамом яккаланиб қолди.

Яна шунга ҳам эътиборни жалб қилиш керакки, Садат океан ортида президент Рейган билан учрашиб келганидан кейин Мисрда дарҳол мислсиз террор кампанияси авж олдириб юборилди. Америкаликларнинг Эй-би-си телевизион компанияси қуйидагиларни қайд этгани тасодифий эмас: «Садат ўзининг яқинда АҚШга қилган визити вақтида ўзгача фикр юритувчиларга зарба бериш эҳтимолини мустаҳкамлашга ва кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартиришга қўмаклашишини тажриба кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, министрликлар ва идоралар, шунингдек, кўпгина спорт ташкилотлари физкультурани совет кишиларининг кундалик турмушига жорий этиш учун зарур чораларни кўрмаяптилар, мавжуд моддий базадан самарали фойдаланмаяптилар. Аҳоли баъзи қисмининг жисмоний тайёргарлиги ҳали ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш инсонга нисбатан қўяётган талабларга тўла-тўкис мувофиқ келаётгани йўқ. Ишчи ва хизматчиларнинг кўпинчa жисмоний чиниқиши заифлиги сабабли касалга чалиниши оқибатида халқ хўжалиги катта зарар кўрмоқда. Қишлоқ аҳолисини, студентларни ва мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш ишида жиддий камчиликлар бор. Аҳолининг, айниқса болалар ва ўспиринларнинг спорт анжомларига ошиб бораётган эҳтиёжлари ҳали ҳам яхши қондирилмаяпти.

(Давоми иккинчи бетда).

ВАГОНЛАР БИР МИНУТ ҲАМ БЕКОР ТУРМАСИН

Муддатлари ўтиб кетди

Аввалги кунлардагидек, Тошкент юктовар станциясида бўғдой келтирилган вагонлар узоқ вақт бўшатилмай қоляпти. Тошкентга ғалла келтириш давом этяпти, тегирмончилар эса уни қабул қилиб олишга кўнгилдагидек тайёргарлик кўришмаган. Натижада қарийб ҳар тун станцияларда ғалла ортилган вагонлар бўшатилмай қоляпти. Айниқса 2-дон маҳсулотлари комбинатидагилар шошмаяптилар. 20 сентябрь куни тунда шу корхона, масалан, 20 та вагонни бўшатмай қолдириб кетди.

Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги ғаллани тушириб олишда юзага келган аҳволни тузатиш учун шошилинч чоралар кўриши керак.

Темир йўлга келган юкларни бошқа корхона ва ташкилотлар ҳам ўз вақтида тушириб олмайди. Жумладан, ўтган шанбадан якшанбага ўтар кечаси Сергели станциясида 20 та юк ортилган вагон тупади. Якшанба куни пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводи бир вагон полиэтиленни, Ўзбекистон илмий-реставрация ва ремонт устахонаси бир вагон цементни, «Ўзэовсетснаб» Тошкент область базаси бир вагон формалинни, Тошкент химия-реактив базаси бир вагон тошни бўшатмай қолдириб кетишди.

Бир неча кун мукаддам «Главташкентстрой» корхоналарига қўплаб цемент келтирилди. Лекин қурувчилар бу зарур қурилиш материалини олиб кетишга шошишмаяпти. 9-темир-бетон буюмлари заводи (тўрт вагон), 4-йирик панелли уйсозлик заводи (1 та вагон), 3-ишлаб чиқариш корхоналари комбинати (5 та вагон) цементни тезроқ тушириб олишмаяпти.

Бир неча ойдирки, Сергелидаги ошхона ва бошқа мебеллар заводи «ДСП» тахталари етишмаётганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини бажаролмаяпти. Мана, уч вагон плита келди. Бироқ, корхонадагилар бу ҳом ашё маҳсулотни тушириб олишга шошмадилар. Улар станцияга белгиланган муддатдан анча кеч етиб келдилар.

Сергели станциясида «Ўзэлектростройтрестига қарашли бошқарма ва «Ташобласельстрой» трести, қурилиш материаллари плиталари заводи вагон оборотига тўғаноқ бўлишяпти.

Собир Раҳимов станциясига 17 сентябрда сувда чўкишдан сақлаш бўйича республика жамиятининг Марказий кенгашига бир вагон қайиқ келди. 21 сентябрда ҳам бу қайиқлар тушириб олинмади.

Салор станциясида транспорт интизомини бузувчилар қаторида «Малика» трикотаж бирлашмаси, Луначарский станциясида эса, 1 ва 2-ёғочни қайта ишлаш заводлари бор.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Боши биринчи бетда).

Физкультура ва спорт комитетлари ҳамда кўнгилли спорт жамиятлари советлари аҳоли ўртасида физкультура ва спортни оммавий равишда ривожлантиришга зарар келтирадиган ҳаддан ташқари кўп миқдордаги Бутуниттифоқ, республика, ўлка ва область мусобақалари ҳамда йиғинларини ўтказмоқдалар, бу тадбирларга катта маблағ сарфланмоқда ва кўп кишилар ишдан ҳамда ўқишдан қолиб кетмоқда. Физкультура ҳаракатининг идоравий тарқоқлиги, кўнгилли спорт жамиятлари тузилишининг номукаммаллиги оммавий ишни ташкил этишда жиддий камчиликларга олиб бормоқда, совет спортчиларининг маҳоратини ошириш ишига тўсқинлик қилмоқда. Айниқса, физкультура-соғломлаштириш иши проблемаларига бағишланган илмий тадқиқотлар қониқарсиз олиб борилмоқда. Физкультура ва спортни тарғиб қилиш кўпинча турли мусобақалар ҳақида маълумот беришдан иборат қилиб қўйилмоқда, бу иш аҳолининг кенг қатламларида физкультурани жорий этишга етарли равишда қаратилган эмас.

Маҳаллий партия органлари ва халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари бир қанча ҳолларда оммавий физкультурани ривожлантиришга суст раҳбарлик қилмоқдалар, коммунистик қурилишнинг иқтисодий, социал ва тарбиявий вазифаларини ҳал этишда унинг аҳамиятини етарли равишда эътиборга олмаяптилар.

«Кишиларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, физкультура ва спортнинг ривожланиши билан чамбарчас боғланган, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида. Москва Олимпиадаси совет спортчиларининг ажойиб муваффақиятларини яққол кўрсатиб берди. Лекин бизни ҳамиша спорт чўққиларининг ўзигина эмас, балки энг аввало физкультура ва спортнинг оммавийлиги қизиқтиради. Бу соҳада эришилган муваффақиятлар равшан кўриниб турибди. Лекин шундай бўлса ҳам, кўпчилик учун спорт ҳозирча ёлғиз томошагина бўлиб қолмоқда. Бу аҳволни тузатиш керак. Физкультура аҳолининг кенг қатламлари ва айниқса, болаларнинг кундалик ҳаётидан кенг ўрин олмоғи лозим».

Ривожланган социализм шароитида физкультура мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа потенциалини ўстиришга, совет кишиларининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга ҳар томонлама кўмаклашиши, шахсни ҳар томонлама уйғун камол топтиришнинг, актив ҳаётий позицияни шакллантиришнинг таъсирчан воситаси бўлиши керак.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига КПСС XXVI съезди қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига мувофиқ физкультура ҳаракатига партиявий раҳбарликни кучайтириш, физкультура ва спортни чинакам оммавий равишда ривожлантириш учун совет, касаба союз, комсомол, спорт ва хўжалик органларининг масъулиятини ошириш вазифасини юклади.

Физкультурани ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик СССРнинг ҳар бир граждани физкультура, спорт ва туризм билан шуғулланиши тўғрисида Совет Конституциясида гарантиялаб берилган имкониятдан тўлатўкис фойдалана оладиган шароитни таъминлаб бериши лозим.

Жисмоний машқлар, спорт ва туризм билан шуғулланиш яқин йилларнинг ўзидаёқ совет кишисининг, айниқса болалар ва ёшларнинг кундалик эҳтиёжига айланиб қолмоғи учун физкультура ва спортни янада юксалтиришга доир амалий тадбирлар ишлаб чиқилиб, турмушга татбиқ этилсин.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига физкультурани совет кишиларининг кундалик турмушига жорий этиш соҳасидаги ишга раҳбарлик қилишни яхшилаш, мамлакатда спортни янада ривожлантиришни, «Меҳнатга ва СССР мудофаасига тайёр» комплекси асосида аҳолининг барча группалари жисмоний тарбияси системасини такомиллаштиришни таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш савиясини, халқаро спорт алоқаларининг самарадорлигини ошириш, министрликлар, идоралар, жамоат ташкилотларининг бу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириб туриш таклиф этилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг ҳамда унинг жойлардаги органларининг амалий фаолияти физкультура, спорт, туризмни, актив дам олишни оммавий ривожлантиришга, КПСС XXVI съездининг физкультурани ҳар бир совет оиласи турмушига жорий этиш тўғрисидаги йўл-йўриқларини рўёбга чиқаришга қаратилиши, касаба союз, комсомол, СССР ДОСААФи, бошқа жамоат ташкилотлари, министрликлар ва идоралар билан маҳкам алоқада амалга оширилиши лозим.

Мамлакатда физкультура ва спортга партия ва давлат раҳбарлигининг кучайтирилиши, физкультура ҳаракатида жамоатчилик асосларини янада ривожлантириш, совет кишиларини жисмоний тарбиялашнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда спорт турлари бўйича кўнгилли спорт жамиятлари ва федерацияларининг ролини ошириш билан тўлдирилиши керак.

Партия комитетларига физкультура ва спортни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, спорт иншоотларини қуриш ва улардан самарали фойдаланиш, спорт анжуманлари ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, оммавий спорт тадбирларини ўтказиш вазифаларини ҳал қилишда совет, касаба союз, спорт органлари ва СССР ДОСААФ комитетларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш тавсия этилди.

Совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга, уларнинг иш қобилиятини ва меҳнат унумдорлигини оширишга, Ватан мудофаасига, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёрлигини оширишга, юксак аҳлоқий фазилатларни, бардамлик руҳини, куч ва матонатни шакллантиришга, соғлом ва қувноқ ёш авлодни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашиш — физкультура ҳаракатининг, бутун жисмоний тарбия системасининг асосий вазифасидир.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область Советларининг ижроия комитетларига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, министрликлар ва идораларга:

аҳолининг жисмоний тарбиясига раҳбарликни яхшилаш, план топшириқлари асосида физкультура ҳаракатининг моддий базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан тадбирларни амалга ошириш;

спорт ва туристик буюмлар билан савдо қиладиган магазинлар ва ижарага бериш пунктлари, тармоқларини кўпайтириш, маҳаллий саноат корхоналарида ана шу буюмларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда аҳоли истиқомат жойларидаги физкультура-спорт клублари ва физкультура-соғломлаштириш комбинатларининг шохобчаларини, шу жумладан, Белоруссияда, Ленинград ва Пенза шаҳарларида тўпланган тажрибадан фойдаланиб, хўжалик ҳисоби асосида кенгайтириш вазифаси топширилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетига манфаатдор министрликлар ва идоралар иштирокида аҳоли истиқомат жойларида оммавий физкультура ишининг ташкил этилиши норматив-ҳуқуқий актларини тартибга солишни ва такомиллаштиришни кўзда тутувчи, шу жумладан одам яшамайдиган биноларни ажратиш, уларни жиҳозлаш, спорт иншоотларини асраш, спорт ишини пул билан таъминлаш, моддий-техника таъминотида оталиқ тащкилотларининг иштироки тартибини кўзда тутувчи таклифларни 6 ой муддат ичида СССР Министрлар Совети муҳокамасига киритиш топширилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг тақдимига мувофиқ СССР Госпланига 1982 йилдан бошлаб, физкультура ва спортни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планлари лойиҳаларига киритиш топширилди. СССР Марказий статистика бошқармаси уларнинг бажарилиш якунларини давлат статистика ҳисоботида ҳисобга олсин.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Мудофаа министрлиги спорт комитетига ва Бутуниттифоқ «Динамо» физкультура-спорт жамиятининг Марказий Советига:

спортнинг олимпиада турларини янада ривожлантиришни таъминлаш, айниқса, енгил атлетика, гимнастика, сузиш, футбол, хоккей, конькида учиш ва чанғи спорти бўйича спорт резервларини тайёрлаш ишини кучайтириш, спорт мактабари, олимпиада тайёргарлиги марказлари, спорт профилидаги мактаб интернатлар ишининг самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқув-машқ марказлари учун маблағларни тежаб сарфлаш;

спортчилар билан олиб бориладиган гоявий-тарбиявий ишларни яхшилаш, барча терма командаларда ва спорт мактабларида муайян мақсадга қаратилган доимий сиёсий ўқишни ташкил қилиш, ёшларни юксак совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, коммунизм ишига садоқат, жаҳон спорт майдонида ғалабага эришиш учун курашга шай бўлиш руҳида тарбиялаш, спортда носоғлом ҳодисалар (юлғичлик, ҳайбаракаллачилик, спортчиларни оғдириб олиш ва ҳоказо)ни таг-томири билан қатъиян тугатиш;

физкультура тадбирларини биргаликда ўтказиш, спорт иншоотлари қуриш ҳамда ремонт қилиш чоғида мазкур тадбирда иштирок этувчи ҳар бир давлат ташкилотининг ёки жамоат ташкилотининг розилиги ва қарорига мувофиқ давлат ҳамда жамоат маблағларини кооперациялашдан кенг фойдаланиш топширилди.

СССР Мудофаа министрлигига, Ички ишлар министрлигига, СССР Давлат хавфсизлиги комитетига, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг Бош Сиёсий бошқармасига ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлигини янада кучайтириш, армия спортини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш тавсия этилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, СССР Мудофаа министрлигига, ДОСААФ Марказий Комитетига ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан биргаликда чақирув ёшигача бўлган ва чақирув ёшидаги ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги соҳасидаги ишларни кучайтириш, ГТО комплекси нормативларини қабул қилишда расмиятчилик фактларига барҳам бериш, спортнинг техникавий ва ҳарбий-амалий турларига, айниқса автомобиль-мотоцикл, парашют, мерганлик спорт турларига эътиборни кучайтириш топширилди.

Спорт жамиятларининг ишига баҳо беришда амалий ва ҳарбий-техникавий спорт турлари соҳасидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинсин.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига, СССР Давлат хавфсизлиги комитетига, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг Бош Сиёсий бошқармасига ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлигини янада кучайтириш, армия спортини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш тавсия этилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, СССР Мудофаа министрлигига, ДОСААФ Марказий Комитетига ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан биргаликда чақирув ёшигача бўлган ва чақирув ёшидаги ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги соҳасидаги ишларни кучайтириш, ГТО комплекси нормативларини қабул қилишда расмиятчилик фактларига барҳам бериш, спортнинг техникавий ва ҳарбий-амалий турларига, айниқса автомобиль-мотоцикл, парашют, мерганлик спорт турларига эътиборни кучайтириш топширилди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига спорт базаларининг қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар улардан самарали фойдаланишни таъминлаш тавсия этилди. Спорт иншоотлари коллективларининг фаолиятига баҳо беришда меҳнаткашлар ва болалар ўртасидаги физкультура-оммавий ишлар даражаси асосий кўрсаткичлардан бири деб ҳисоблансин. Ҳар куни стадионлар, спорт заллари сузиш ҳавзалари ва бошқа иншоотлар иш вақтининг ярмига қадарини аҳоли билан жисмоний машғулотлар ўтказиш учун ажратиш кўзда тутилсин.

СССР Госпланига, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, спорт товарлари ишлаб чиқарадиган министрликлар ва идораларга, СССР Савдо министрлиги ва «Центросоюз»га ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, Бутуниттифоқ «Динамо» физкультура-спорт жамияти Марказий Кенгаши ва СССР ДОСААФ Марказий комитети иштирокида иқтисодий ва социал ривожланиш планлари лойиҳаларини тайёрлаш чоғида харидоргир, айниқса болалар ва ўсмирлар учун спорт товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш юзасидан топшириқларни кўзда тутиш топширилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Бутуниттифоқ касаба союзлар кўнгилли спорт жамиятлари Советига, Мудофаа министрлиги спорт комитетига ва Бутуниттифоқ «Динамо» физкультура-спорт жамиятининг Марказий Советига:

Болалар-ўспиринлар спорт мактабларининг фаолиятини болалар ва ўспиринлар ўртасида физкультура-соғломлаштириш ва тарбивий ишларни ташкил этишга, зарур моддий базага ва малакали кадрларга эга бўлган махсус мактабларнинг фаолиятини эса спорт резервларини тайёрлашга қаратиш зарур, деб топилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, ВЛКСМ Марказий Комитетига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Маориф министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига, Бутуниттифоқ касаба союзлар кўнгилли спорт жамиятлари Советига, Мудофаа министрлиги спорт комитетига ва ВЦСПС билан биргаликда жисмоний тарбия ўқитувчиларини, инструкторлар, методистлар, тренерлар ва бошқа физкультура кадрлари тайёрлаш ва қайта тайёрлашни яхшилаш тавсия этилди. Физкультура раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш таъминлансин. Оммавий физкультура-соғломлаштириш ишлари ва туризм мутахассисларини тайёрлаш ташкил этилсин. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, ВЦСПС, СССР ДОСААФ Марказий Комитетига манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 1982-1984 йилларда барча тренер кадрларни аттестациядан ўтказиш тавсия этилди.

Партия комитетларига Физкультура ва спорт комитетларини, кўнгилли спорт жамиятлари кенгашларини физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада юксалтиришни таъминлашга қодир мутахассислар билан мустаҳкамлаш топширилди.

ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетига, министрликлар ва идораларга СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг спорт бўлинмалари, илмий-тадқиқот ва ўқув юртлари юқори малакали илмий кадрлар билан мустаҳкамлансин.

Бутуниттифоқ физкультура илмий-тадқиқот институти зиммасига оммавий физкультура проблемаларига доир илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи. Ўтказувчи ҳамда физкультура ҳаракати практикасига ана шу тадқиқотларнинг натижалари жорий этилиши устидан контроллик қилувчи бош ташкилот вазифалари юкланди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига физкультурачилар ва спортчиларнинг сиҳат-саломатлиги устидан врачлик назоратини яхшилаш; врачлик-физкультура диспансерлари тармоғини кенгайтириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, аппаратлар ва дорилармонлар билан таъминлаш чораларини кўриш; халқ хўжалигининг тегишли тармоқларига доир санитария-соғломлаштириш тадбирлари комплекс планларида бир қанча касалликларнинг олдини олишни кучайтириш мақсадида физкультура-соғломлаштириш ишларини бирмунча жадал амалга оширишни кўзда тутиш таклиф этилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, СССР Кинематография давлат комитетига, Бутуниттифоқ «Билим» жамиятига, марказий ҳамда маҳаллий газета ва журналларнинг редакцияларига:

физкультура ва спортни пропаганда қилишни яхшилаш, кишиларда ҳар куни физкультура билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжни ривожлантиришга, аҳолининг турли ёш группалари учун комплекс машқларни оммалаштиришга, физкультура ва спорт ишларини ташкил этишнинг энг яхши тажрибасини кенг кўрсатишга эътиборни қаратиш;

ажратиладиган қоғоз фондлари доирасида оммавий физкультура масалаларига оид дарсликлар, методик ва илмий-оммабоп адабиётлар, ҳужжатли ва ўқув фильмлари, плакатлар чиқаришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш топширилди.

Физкультура ҳаракатининг алоҳида ўрнак кўрсатган ташкилотчиларини, атоқли олимлар ва тренерларни рағбатлантириш мақсадида «Республикада хизмат кўрсатган физкультура ходими» фахрий унвонини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига шу масала юзасидан республикаларнинг Олий Советлари Президиумларига тегишли таклифларни киритиш тавсия этилди.

Автоном республикалар министрлари советлари, халқ депутатлари ўлка, область, округ, шаҳар ва район советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетларининг раҳбар ходимлари ҳамда мутахассисларига АССР министрликлари, халқ депутатлари ўлка, область, округ, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари мустақил бошқармаларининг ходимлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС нинг 1976 йил 24 декабрдаги 1059-қарорида кўзда тутилган маошсиз оқладлари берилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлашдаги ва илмий-тадқиқотларни ривожлантиришдаги хизматлари учун **Тошкент Халқ хўжалиги институти Халқлар Дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1981 йил, 23 сентябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Р. А. АҲМЕДОВГА «СССР ХАЛҚ РАССОМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет тасвирий санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси ўртоқ Раҳим Аҳмедович **Аҳмедовга «СССР халқ рассоми»** фахрий унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил, 23 сентябрь.

тонгги газеталарда

⊙ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Константин Устинович Черненко 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан бугун газеталарда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг ўртоқ Константин Устинович Черненкога йўллаган табриклари ҳамда Константин Устинович Черненкони Ленин ордени ҳамда иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

АДИБЛАР ЮБИЛЕЙИГА

«Ҳозирги замон ва республика ёзувчиларининг вазифалари» — Ўзбекистон Ёзувчилар союзи секретариатининг Термизда бўлиб ўтган сайёр мажлисида шу масала муҳокама қилинди. Союз правленисининг биринчи секретари Сарвар Азимов, сўзга чиқган бошқа нотиқлар КПССнинг XXVI съезди ҳамда СССР Ёзувчиларининг VII съезди адабиёт намояндалари олдига қўйган катта вазифалар тўғрисида, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда янада активроқ қатнашиш йўллари ҳақида гапирдилар. СССР ташкил топган кунининг 60 йиллигига республика областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри тўғрисида очерклар тўпламини тайёрлаш ва чиқаришга қарор қилинди.

Секретариат қатнашчилари Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Сурхондарё область бўлимининг иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилдилар. Бир группа шоир ва ёзувчилар союз аъзолигига қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

«УРАЛМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ИШЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ПОЛЯК ИШЧИЛАРИГА

МАКТУБИ

Азиз ўртоқлар!

Уралмашликлар газета, телевидение, радионинг қардош Польшадаги воқеалар тўғрисидаги ҳар бир хабарини зўр ташвиш ва хавотирлик билан кутиб олмоқдалар. Ишлаб чиқариш қисқармоқда, интизом пасаймоқда, ижтимоий-сиёсий турмушнинг кўпгина соҳаларида контрреволюция ҳужум қилмоқда, антисоветизмнинг лойқа тўлқинлари тобора кучаймоқда. Мамлакат жуда катта қулфат, миллий фалокат ёқасида турибди.

«Бирдамлик» раҳбарлигидаги авантюрачилар шу ташкилотнинг «съезд»ини антисоциалистик, антиватанпарварлик йиғинига айлантирдилар. Съезд поляк халқининг, ишчилар синфининг, касаба союз аъзоларининг фойдасини кўзлаб бироита ҳам ҳужжат, бироита ҳам қарор қабул қилмади. Аммо ҳокимиятни босиб олиш ва социалистик ғалабаларни тугатишга қаратилган ғазабли, гиж-гижловчи ғаламислик баёнотлари, даъволари, Совет давлати шаънига қилинган ҳақоратлар жуда етарли бўлди.

Социализмга, халқ Польшасига, Совет Иттифоқига туҳмат билан суғорилган ва «Шарқий Европа халқларига мурожаатнома» деб аталмиш мурожаатнома ўта кетган масъулиятсизлик, сиёсий игвогарликдир. Реакция кучлари ва ғарбнинг махсус хизмат маҳкамалари гиж-гижлаётган «Бирдамлик»нинг мутасаддилари ва корчалонлари поляк халқининг тақдири тўғрисида сохта кўз ёши тўкмоқдалар, социализмга ҳужум қилмоқдалар. Дўстлигимизни, социалистик мамлакатларнинг бирлигини кўпоришни истамоқдалар.

Социалистик ҳамдўстликка қарши мавҳумпарвий диверсия учун касаба союз каналларидан фойдаланишга бевосита уриниш — «Бирдамлик»нинг контрреволюцион гоялари ва разил ишларидир. Улар Польша меҳнаткаш халқининг туб манфаатларига асло алоқадор эмаслар, чин поляк ватанпарварларининг ўй-фикрлари ва орзу умидларини мутлақо ифода этмайдилар. Антисоветчиларнинг ҳаракатлари жазосиз қолаётгани кишининг ҳақ-ғазабини қўзғайди.

Ўртоқлар! Синфдош қардошлар! Ўзларини халқ ҳимоячилари қилиб кўрсатаётган ана шу жаноблардан ишчиларга хос данғаллик билан: ҳўш, фашизмга қарши курашда биргаликда тўкилган қон билан мустаҳкамланган совет ва поляк халқларининг дўстлигига, социализмга уларнинг тажовуз қилишларига ким ҳуқуқ берди? деб сўраб кўринг. Польша давлатининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида 600 мингдан кўпроқ совет солдати ўз жонини фидо қилди. Булар орасида Урал кўнгилли танк корпуси ва бошқа ҳарбий қўшилмалар составида шавқатли жанг қилган уралмашликлар оз эмас эди. Урушдан кейинги гоят машаққатли йилларда халқ Польшасининг шаҳар ва қишлоқлари Совет Иттифоқи ёрдамида харобалардан қайта тикланди. «Уралмаш» коллективи мамлакатингизнинг оғир индустриясини вужудга келтиришда актив иштирок этди. Уралмашликлар ПХР-нинг металлургия корхоналари учун 30 минг тоннадан зиёд машина-ускуна тайёрлаб бердилар.

Биз «Уралмаш» байроғидаги тўққизта орден орасида Польшанинг ПХР Олий хизмат ордени билан бирга юлдузи борлигидан фахрланамиз. Бирлашмамиз «Катовице» металлургия комбинати қурилишидаги ёрдам учун ана шу билан мукофотланган.

Польша буюртмаларини бажариш борасида астойдил ишлаган ўрта Урал меҳнаткашлари машина-ускуналаримиз «Бирдамлик» жўрттага чиқарган забастовкалар сабабли бекор туриб қолади, деб ўйламаган эди. Бу — бизнингча иш эмас, ишчиларга хос иш эмас!

Азиз ўртоқлар! Ўрмаловчи контрреволюция ўзининг чинакам макрли мақсадларини ошкор қилиб қўйди, ҳокимият учун очиқдан-очиқ кураш бошланди. Ўзингизни алдаш ва чўчитишга йўл қўймангиз! Поляк халқининг, социалистик Польшанинг душманларини йўлдан улоқтириб ташлангиз!

Барча совет кишилари каби биз, уралмашликлар ҳам, поляк ишчилари, бизнинг синфдош қардошларимиз, Польша Халқ Республикасининг меҳнаткашлари қатъий ирода кўрсатиб, ўз кучларини бирлаштирадилар, қатъий чоралар кўриб, контрреволюциянинг гурбетларча кирдикорларига муносиб зарба берадилар, социализм ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қоладилар, деб ишонамиз.

Мактуб «Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси кўп минг кишилик коллективининг митингида 1981 йил 22 сентябрда қабул қилинган.

ОДОБ-АХЛОҚ ҲАҚИДА ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ №16

ҲАР НАРСАДАН БИР САМАРА КЕЛАДИ: ХУШМУОМАЛАЛИКДАН — УЛУҒЛИК, ҚАНОАТДАН — РОҲАТ, ИХЛОСДАН — МУҲАББАТ. КИМКИ ХУШМУОМАЛА БЎЛСА ҲУРМАТГА ЕТАДИ, РОСТГЎЙ БЎЛСА ҚАДРИ ОШАДИ. КИМКИ ЁМОНЛАР СУҲБАТИДАН ҚОЧСА ЯХШИЛАР СУҲБАТИГА ЕТИШАДИ. НОДОНЛАРДАН УЗОҚЛАШИБ, ОҚИЛЛАР БИЛАН ҲАМНИШИН БЎЛ!

Муҳаммад ЮСУФИЙ.

Оила даврасида

АТРОФДА БОЛАЛАР БОР

Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай учинчи қаватдаги квартиранинг чироғи ўчмаган, ичкаридан беш-олти ёшлар чамасидаги боланинг йиғлаши эшитиларди. Қўшнилар бу овоздан ухлай олишмас, айни пайтда ҳол-аҳвол сўрашга ҳам ҳижолат бўлишарди. Ниҳоят бояги квартирадан ўрта ёшлардаги рангпар бир аёл чиқди-да, рўпарадаги эшикни тақиллатди.

— Сиздан илтимос, бир дона сигарет беринг, Суҳбатилло ухлолмаяпти, — деди у ерга қараб.

— Сигаретани нима қилади у? — қўшни ҳайратда кўзларини катта-катта очиб сўради.

— Чекади.

— Гўдак бола-я, ахир қандоқ қилиб?

— Борми, йўқми?— энди аёлнинг тоқати тоқ бўлиб тескари қаради. — Эҳ шўрим қурсин!..

— Кечирасиз, мен чекмайман, умуман, оиламизда ҳеч ким чекмайди.

— Энди нима қилдим?.. Кимда бор экана?— Аёл шундай деб орқасига қайтаётганди, боятдан бери ингиллаётган ўғлининг овози кучайди. Ичкаридан эса, эркак кишининг дарғазаб овози эшитилди:

— Ўчир чакагингни, ўчир деяпман!

Аёл изига қайтиб кириб кетди. Қўшни бўлса ҳамон ҳангу манглигича жойида қотиб турарди.

...Хумор ва Салим бир қурилиш ташкилотида ишлашарди. Қиз бухгалтер, йигит прораб. Улар бир-бирларига мос, узукка кўз солгандек эдилар. Сўнгги модада кийинишар, машиналари ҳам бор эди. Бунга ҳеч ким шубҳа билан қарамасди. Негаки, улар яхши маош олардилар. Шунга қарамай, ота-оналари ҳам ёрдам бериб туришарди. Эр кўпинча ишдан келгач, хотинини машинага ўтқазиб, томошага олиб кетар, улар алламаҳалда уйга қайтишарди. Янги фильм, цирк борми ёки концерт борми, тушмай қўйишмасди.

Яхши кунлар ширин тушдек тез ўтар экан. Уларнинг ҳам ана шундай кунлари ўтдию, бошқа қайтмади.

Ҳаммасига Хуморнинг соғлиғи ёмонлашгани, касалхонага тушиб қолгани сабаб бўлди. Аввалига хотинининг ҳолига ачиниб юрган Салим кейинчалик унинг қайта-қайта шифохонага ётаверишидан зерикди. Энди у турмуш ўртоғи олдига жуда кам борар, бундаан ўзида ҳеч қандай ҳижолатпазлик сезмасди. Демак, унда ўз хотинига нисбатан меҳр олови сўниб борар, на ўғлининг тарбияси, на оила ташвиши қизиқтирарди.

Айниқса Салим баъзи бировларнинг «Хуморнинг аҳволи оғирлашибди, энди одам бўлиши қийин эмиш» деган гапларини орқаворотдан эшитиб, бутунлай ўзгариб кетди.

Лекин бир неча ой ўтгач Хумор уйига қайтди. Кўчада кир-чир бўлиб юрган ўғилчаси уни узоқдан кўрди-ю, онаси бағрига ўзини отди.

— Ойижон, мен сизнинг келишингизни билгандим!

Хумор Суҳбатиллони маҳкам кўтарди-ю, бирдан уҳ тортиб юборди.

— Туш, ўғлим, — деди у секин. — Энди оғир нарса кўтара олмайман...

Унинг ичида бир нарса узилиб кетгандек бўлди. Бу, операциядан кейин қолган дарднинг асорати эди.

Онанинг кўзларида ёш йилтиллади. Шу тўрт ёшлик болаки онасининг қачонлардир ҳаётга қайтишига ишонибдику, эри ишонмабди.

Хумор буларнинг ҳаммаси ёдидан чиқиб кетишини ўйлар, энди илгаригидай соғ бўлмаса ҳам, омон қолганига шукур қиларди.

Ўша куни кечқурун Салим қош-қовоғини осилтириб, узр сўрагандек бўлди:

— Хизматчилик, бўролмадим.

— Майли, — деди Хумор,— бунинг устига Суҳбатиллога ҳам қараш керак. Сизга ҳам осон эмас.

Ростдан ҳам Суҳбатилло боғчадан кейин отаси билан бирга эди. Уйларига Салимнинг улфатлари йиғилар, ширакайф бўлиб кетма-кет сигарета тутатишар, бола эса тумандек хира хонада бу нотаниш кишиларнинг сўзларига диққат билан қулоқ соларди. Бир кун унинг қўллари секин-секин кулдонга, чала ўчириб ташланган сигаретга узатилди. Кейин ҳеч ким ўзига эътибор бермаётганини сезиб, уни оғзига олиб борди. Ичига бир тортганди, қаттиқ йўталди. Қилмишидан қўрқди-да, югуриб нариги хонага чиқиб кетди. Боши айланиб ўзини каравотга ташлади-ю, уйқуга кетди. Кейинги сафар у билинар-билинмас йўталди. Сўнгра илгари сира сезмаган, ҳатто онаси сутига тўйганда ҳам сезмаган аллақандай туйғудан маст бўлиб қолди.

Бора-бора бола сигарет чекишни оддий ҳол деб ўйлади ва бир кун отаси уйга ёлғиз келганда ётди-ю, анчагача ухлай олмади. Унинг чеккиси келарди. Ахири у йиғлади. Сабабини айтди.

— Нима, нима дединг?! Қайтар!— деди Салим ўдағайлаб.

Суҳбатилло отасини биринчи марта кўраётгандек унга қаради-ю, бирдан ўз қилмиши ёмон, жуда ёмонлигини тушуниб йиғлаб юборди.

— Аҳмоқ! — деди Салим ўғлининг юзига тарсаки туширар экан. — Сенга зиғиртаклигингдан чекишни ким қўйибди?!

Салимнинг саволи ҳақ бўлса ҳам, бунга ўзи ҳам айбдор эканлигини ўйлаб кўрмасди.

Ўша кеча Суҳбатилло қўрқиб ухлаб қолдию, эртасига яна йиғлади. Сигарет сўради. Отасининг на пўписаси, на алдаши тўхтатди уни. Фақат сигаретни бир-икки тутатгач, тинчиди қолди...

Бу Салим учун болани ухлатишнинг, ортиқча овора бўлмасликнинг осонгина йўли эди. Шунинг учун бора-бора ўғлига ётиш олдидан бир сигарет беришдек мудҳиш иллатни, қолаверса жиноятни у одат тусига киргизди. Бола юзларида эса, заъфаронлик пайдо бўлди.

Кейин Суҳбатиллонинг онаси касалхонадан қайтди. Сигарет сўраб қўшнисиникига чиқди.

Одамлар энг яхши орзу-умидларини болалари билан боғлайдилар. Мендан кўра яхшироқ, узоқроқ яшасинлар, соғ-саломат бўлсинлар, дейдилар. Зеро, фарзанд камоли ота-она роҳатидир. Бироқ, негадир баъзилар ўзлари билмаган ҳолда ёки бепарволик оқибатида болаларига ёмонлик қилиб қўядилар.


Бир болага етти қўшни ота-она, дейди доно халқимиз. Лекин негадир айримлар кўча-кўйда ёш болаларнинг сигарет чекишига ҳатто спиртли ичимликлар ичишига бефарқ қараб ўтадилар. Бу болалар агар ўзларининг фарзандлари бўлганда, эҳтимол шундай қилишмасди.

Баъзилар ўз болалари тарбиясига, қолаверса, соғлиғига путур етказиб қўйганларини кўриб ачинасан киши. «Бизнинг ўғилчани кўринг, отасидек ароқ ичада-я», «Папирос чекишини қаранг, ота ўғли-да». Бу сингари гаплар гоҳ-гоҳида ширакайф давраларда эшитилиб қолади. Оталар ўз фарзандларининг мард, одамшаванда, ҳақиқий эркаклардек бўлишини исташлари ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу туйғуни бачканалаштириш, суиистеъмол қилиш, тарбияга масъулиятсизлик билан ёндошиш фақат ёмонликка олиб келишини унутмаслигимиз керак.

Фарзандларимизнинг бирон-бир нохуш қилиғидан норози бўлсак, шуни ўйлайликки, унинг тарбиясида қандайдир нотўғри йўл тутганмиз. Келгусида шундай хатоликка йўл қўймаслик чора-тадбирини кўриш инсоний ишдир.

Йиллар оқар сув. Ўтдими, қайтиб келмайди. Шунинг учун бу йиллар бизнинг энг муқаддас орзумиз — ҳар томонлама камол топган, номимизни доим улуғлайдиган фарзандлар тарбиясига сарфланса қандоқ яхши!

Абдусаттор ХАТАМОВ.



Оталар сўзи— ақлнинг кўзи, дейдилар. Кекса авлод бош-қош бўлган жойда ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади. Киров районидаги Карл Маркс номли маҳаллада оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган. Маҳалла клубида қизиқарли суҳбатлар ўтказилади, тўй тараддудлари кўрилади.

СУРАТДА: (ўнгдан) маҳалла комитетининг раиси Сайидазим Шарифхўжаев, маҳалла активлари Алиасқар Юнусов, Нуъмон Мақсудхўжаев, Иброҳим Раҳматов, Раҳматулла Орипов ва Қўчқор Самиговлар маҳаллада ўтказиладиган тадбирларни муҳокама қилишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Ишхона — иккинчи уйимиз

ҚАЛБДА ОЧИЛГАН ГУЛ

Яқинда ҳамкасблар гурунглашиб ўтирган-дик. Янги уйга кўчиб ўтган бир дўстимиз қўшниларининг кўпчилиги дуруст кишилар эканини айтди-ю, гап сўнгида: «аммо беш-олтита бир-бирини қоронғида топадиганлар ҳам бор, — деди. — Улар болалар майдончасининг бир четига каравот қўйиб олишган. Ўтган-кетганга гап отиб, ҳамманинг жонига тегади. Бирортаси уй атрофини, ҳовлини ободонлаштириш, болалар яйраб ўйнаши учун қулай шароитлар яратиш ҳақида ўйламайди».

Дўстимнинг бу гапларини эшитиб туриб, ён қўшним Маҳмуд акани эсладим. Мана олти йилдирки, у киши билан беш қаватли бинода қўшни бўлиб яшаймиз. Маҳмуд ака илмий-текшириш институтида боғбон бўлиб ишлайди. Ҳар куни ишга барвақт кетиб, кеч қайтади. Қўни-қўшнилар ўртасидаги иззат-ҳурмати яхши. Маҳмуд ака олтмишларга борган бўлса-да, ҳали ҳам йигитлардек ўктам, доимо кечқурун ҳовлида нималар билан дир куйманиб юрган бўлади. Эсимда, у киши билан янги уйга кўчиб келганимизда бино атрофида бирорта ҳам дарахт йўқ эди. У киши қаердандир мевали ниҳоллар топиб келди. Кўпчилик унга қарашди. Ҳовлимиз қиёфаси тез ўзгара бошлади. Маҳмуд аканинг ҳовли атрофини ободонлаштиришга астойдил киришганлиги бу уйда истиқомат қиладиган одамларни ҳам ғайратлантирди. Кимдир ариқ очди, кимдир ер ағдарди, ниҳоллар экилди. Эндиликда ҳовли атрофи гулзор, соя-салқин жой бўлиб, кўзни қувонтирадиган даражага етди. Бу ернинг кишилари ишдан ҳориб қайтганда дам оладиган оромгоҳга айланиши биринчи навбатда Маҳмуд аканинг ташаббускорлиги натижаси эди.

Бир куни касбим тақозоси билан у киши ишлайдиган муассасада бўлдим. Илмий-текшириш институти директори коллектив олиб бораётган ишлар билан батафсил таништириб бўлгач: «Юринг, бир пиёла чой ичамиз», деб ҳовлига бошлади. У ҳовлидаги дов-дарахтлар, уларни ким ўтқазганлиги ҳақида мароқланиб ҳикоя қилди. Ҳамма жой саранжом-саришта, яшил тўсиқлар, гуллар дид билан экилган. Одмигина чойхона эса катта боғ ичидаги кўркам шийпондек кишининг баҳри-дилини очади.

Директор буларнинг ҳаммаси оддий боғбон Маҳмуд аканинг меҳнати натижаси эканини айтди. Чунки, у киши ўзи истиқомат қилаётган уй атрофини ободонлаштиришга қанчалик эътибор берган бўлса, бу ерда, ишхонасида ҳам худди шундай меҳнат қилган экан.

— Бу кўркам яшиллик, гуллар, илмий-тадқиқот ишлари билан машғул бўлган олимларимиз қалбига шавқ-завқ бағишлайди, уларнинг меҳнати янада самарали бўлишига шароит яратади, — деди директор.

Яқинда Маҳмуд ака тўнғич ўғлини уйлантирди. Тўйда у киши меҳнат қилаётган институтдаги энг мўътабар олимлар— катта профессор ва академиклар «қамишдан бел боғлаб» хизмат қилишди, никоҳ кечасининг файзига файз қўшилди. Буларнинг ҳаммаси оддий меҳнаткаш инсонга бўлган чексиз ҳурмат белгиси эди. Маҳмуд акани яқинда «Запорожец» машинаси билан ҳам мукофотлашди.

Биз қўшнилар кўпинча бу киши институтда эртадан кечгача банд бўлишига қарамай болалари тарбиясига, жамоат ишларига доимо вақт топаётганига ҳам ҳайрон қолардик. Чунки, оилада ҳамма фарзандлари ўғил болалар, шунинг учун ҳам уй бекасига бутун рўзғорнинг икир-чикир ташвишларини бажариш қийинчилик қиларди. Лекин Маҳмуд аканинг фарзандлари барча ишни онаси зиммасига топшириб қўймас, ҳар бирининг ўз вазифаси бор эди. Шунинг учун уларнинг уйи доимо саранжом-саришта, кўзни қувонтирадиган даражада бўларди. Фарзандларнинг ана шундай мўмин-қобил, меҳнатсевар бўлиб тарбияланишида ҳам онанинг, отанинг таъсири катта.

Маҳмуд аканинг ўз иш юритиш усули, дилкашлиги, муомаласи болалар учун ибрат олишнинг оддийгина намунаси эди. Шунинг учун ҳам у кишининг фарзандлари оталари сингари дилкаш, элга манзур йигитлар бўлиб етишмоқда...

Шуларни ўйлаганда боя янги уйга кўчиб ўтган дўстимнинг қўшнилари орасида ҳам шундай одамлар бўлса эди, деб ўйладим. Албатта, бундай кишилар ҳамма жойда юрган изидан гул ундиради, улар яшаган маҳаллада ҳам, ишхонасида ҳам кўпчилик қалбига гул экиб қўйган бўлади.


М. АБДУЛЛАЕВ.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига ёзувчи ва медик

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?
2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?
3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.
4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?
5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?
6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?



1. Бир вақт боғ қўшнимиз, ҳисоб ўқитувчиси марҳум Собит Комилий ҳикоя қилган эди:

— Бир куни уйга кета туриб Абдулла акам билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Суҳбатлашиб келдик. Мен у кишидан сўрадим: «Виждон, виждон дейишади. Бу виждон дегани нима ўзи, Абдулла ака?» У киши ўйланиб бир оз жим бордилар-да, жавоб қилдилар: «Сен йўлда борардинг, қаршингдан келаётган бир кекса лойда сирғаниб йиқилди. Сен бўлсанг, унга эътиборсиз ўтиб кетавердинг-да, нарироқ боргач ўзингга-ўзинг савол бердинг: «Нега мен ҳалиги кексага ёрдам қилмадим, уни турғазиб қўймадима?» Мана шу ўзингга берган саволинг виждондир».

Менга қолса худди ана шундай виждон азоби билан яшаш, яъни, хоҳ шахсга, хоҳ жамиятга, хоҳ Ватанга нисбатан «Нега ёрдам қилмадим, нега жабр-хиёнат қилдим, нега ёлғон сўзладим, фосиқлик, ўғрилик, дилозорлик, фирибгарлик, туҳматчилик қилдим-а?!» деб, ўз-ўзига савол-ҳисоб бериш, танасига ўйлаб кўриш, ёмон— хато қилмишларидан афсус чекиш ва умуман хатога — ёмонликка йўл қўймасликни инсонийлик деб биламан.

2. Бу саволга юқорида бир қадар жавоб бўлди. Юриш-туриш, ўзини тутиши, қилмиши, муомаласи билан жамиятга ёқмаган кимсалар каминага ҳам ёқмайди. Ҳаётда баъзан-баъзан учраб турувчи бундай-лар тоифасига: кибр, фахр, ҳасад, туҳмат, жиноят «касалига» мубтало бўлганлар, Ватанига хиёнат, ота-онага азоб этувчилар, тарози ўлчовидан уриб, порахўрлик, ҳаёсизлик қилувчи ва нафсига ҳирс қўйиб дунё тўпловчилар киради. Бундайлар имон-эътиқод, вафо каби олий ҳислатлардан маҳрумлар. Уларнинг диллари ҳамиша адоват, ўти билан ёнади ва фасод, бузуқликни тарқатади, истаса шарорат билан шуғулланади, муҳаббатни кесади, биродарликни бузади, сўзи кишига заҳардек таъсир этади. Бундай одамлар хусуматчи, адоватчи, хиёнатчи, такаббур, бахил деган ёмон ном чиқарадилар, тирикликларида одамлар ичида мазлум номи билан тилга олинади, вафотидан сўнг лаънат этиш ила зикр қилинади. Бундай одамлар ўз ёмон феълларини халқдан қанчалик яширмасин, барибир ошкор бўлади.

3. Инсонда нуқул бахтиёр ҳаёт бўлмайди. Бахт ва бахтсизлик, шод ва ғамгинлик ҳаётда ҳамиша алмашиб туради. Бу табиат ва жамият қонуни. Аввало энг муқаддас бахтим деб шуни биламанки, мен ўз хулқлари, қилмишлари билан фарзандларига ибрат бўла оладиган аҳли солиҳ ота-онадан дунёга келдим. Давлатимиз ўн олти йил муфт ўқитиб таълим берди, стипендия билан таъмин этди ва қўлимга Совет врачи деган фахрли диплом берди. Бу ҳам улкан бахт. Сўнг, умр йўлдошимнинг монандини танладим (хотинингиз билан юлдузингиз чап бўлса, ҳаётда бундан бахтсизи бўлмаса керак), тўрт фарзанд кўрдим. Буларнинг ҳар бири бир бахт. Фарзандларни қобил ва солиҳ қилиб, Ватанга, жамиятга фойдали одамлар этиб етиштиришимизнинг ўзи ҳам яна бир бахт. Иш фаолиятим жараёнида хасталарга қўлимдан келганча ғаразсиз ёрдам беришим (эҳтимол баъзиларни ўлимдан ҳам сақлаб қолгандирман) ва улар соғайиб кетишаркан, ҳар бирларининг: «Раҳмат, дўхтир», деб самимий ташаккур айтишлари мен учун бир умр бахтли он ҳисобланади.

Халқимизда «Отанг касбини қилмасанг, қорнинг тўймайди» деган ҳазиломуз гап бор. Ҳавас қилиб унча-мунча ёзиб тураман. Баъзан ёзганларим ҳурматли ўқувчиларга манзур бўлади шекилли, мени учратсалар, «ўқидим, яхши, раҳмат» дейишади. Ана шу сўзларни эшитган дамларим ҳам энг бахтиёр дамларимдир. Ёзувларимда маъно бўлса керак, мен СССР Ёзувчилар Союзи аъзолигига қабул қилиндим. Бундай шарафга лойиқ кўрилишим ҳам энг бахтли дамларимдан биридир деб ҳисоблайман.

Албатта, бу қўша-қўша бахтлар мени қидириб келмади. Мен уларни қидириб топдим. Жондан кечмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона қайда...

4. Эътиқод-ишонч сўзи кенг маънони англатувчи, инсон онгига чуқур ўрнашиб олгач, уни «кўчириб» чиқариш қийин бўлган бир тушунча. Бу сўз замирида маълум бир ғоя, маслак, ақида, дунёқараш ва исталса уни тарғиб қилиш ётади. Эътиқод ахлоқий, илмий, ижтимоий, сиёсий ва диний каби соҳаларга бўлиниши мумкин. Эътиқодни инсон (айниқса ёшлар) онгига сингдиришда таълим-тарбия ва тушунтириш-тарғиб қилишнинг аҳамияти зўр. Инсон эътиқод билан яшамоғи керак. Йўқса у инсоний ҳис-туйғу — иродадан маҳрум қолади. Аммо, дунёда эътиқодлар кўп ва турлича бўлиб, зарарлиси ҳам ҳаддан зиёддир. Хўш, инсонга қандай эътиқод билан яшамоқ фойдали ва истиқболли? Чин эътиқод шуки, инсон фақат ўз манфаатини — истиқболинигина кўзламай, ўзгаларнинг ҳам, яъни: жамият, Ватан ва умумжаҳон халқларининг манфаатини, истиқболини тараққиётини ўйламоғи керак. Бундай чин ва бирдан-бир эътиқод Маркс ва Ленин яратган Коммунистик эътиқоддир. Мен ҳамиша ана шу олийжаноб эътиқодга бош эгаман. Бунинг исботи учун узоққа бормай, ҳозирги кунимиз, халқаро аҳволга бир назар ташланса кифоя. Империалистик эътиқод жаҳон халқлари ҳаётини хавфга солиб, умумхалқ қирғини васвасасини алангалантирмоқда. Коммунистик эътиқод эса, кун-тун ҳормай-толмай бу алангага «сув сепиш», ўчириш билан машғул...

5. Таниқлигу шарафинг отангдандур,
Меҳрибонлик, мушфиқлик онангдандир.

Шоир Замахшарийнинг ушбу икки мисра шеъридан ҳам фарзанднинг қобил, солиҳ, меҳрибон, мушфиқ, таниқли, шарафли бўлиб етишиши онага, яъни ота-она тарбиясига боғлиқлиги англашилади. Бунинг учун, албатта ва албатта ота-она ўз фарзандларига ибрат бўлиши, улар олдида ўз обрўларини сақлаши, ножўя сўз-ҳаракатлар қилмаслиги, уларни доим зимдан кузатиб, ёмон сўз-қилиқлари сезилса тушунтириш йўли билан дарҳол барҳам бериши керак. Ота-она ҳамиша ўз фарзандларига севимли бўлсин ва фарзандлар ўз ота-оналарининг кўрсатаётган ғамхўрликларини онгли равишда тушунсин. Ана шундагина кутилган самарага эришилади.

Аммо оилада шундай ҳолатлар ҳам кўриладики, ота-она (айниқса ота)нинг фарзандлари олдида ўзларини тутишлари ёмон... Бироқ шунга қарамай, фарзандлар одобли, талантли бўлиб етишади. Менимча, бу, болаларнинг ўн уч-ўн тўрт ёшдан бошлаб ўз ақл-идроклари билан мустақил фикр юритганликларидан бўлса керак. Баъзан эса бунинг акси ҳам бўлиб қолади. Ота-оналари ҳар жиҳатлама табаррук, иқтидорли кишилар, аммо фарзандлари ноқобил бўлиб етишади. Бу менимча, ўша табаррук кишиларнинг ўз фарзандлари тарбиясига аҳамиятсиз қарашларидан ёки қарашга қўллари тегмаганлигидан содир бўлса керак деб ўйлайман. Ҳар ҳолда бу масала мураккаб, уни қисқа сатрларда ёритиш қийин.

6. Бўш вақтимни китоб ва кундалик матбуотни ўқиш, телевизор кўриш, радио эшитиш, музика тинглаш, оз-оз ижод ва боғчамизда жисмоний меҳнат қилиш, қариндош-уруғ, тўй-ҳашам, ёр-дўст, бозор-ўчарларда бўлиш, яхши-ёмонлар суҳбатига қулоқ солиш, машина сайрларига чиқиш билан ўтказаман.

Одамлар орасида

БИРИ ДИЛКАШ, БИРИ ДИЛОЗОР

(УСТА СОДИҚ САРГУЗАШТЛАРИДАН).

Куни-кеча редакциямизга нуроний чеҳра, ихчам кўзойнак таққан, ҳар бир муомаласидан ширинзабонлиги кўриниб турган, кўпни кўрган бир киши кириб келиб, ўзини Уста Содиқ деб таништирди. У кундалик юмушларидан ташқари кўчаларни пиёда кезади, Одамлар орасидаги ҳар хил воқеаларни кузатади. Уста Содиқ редакциямизга дастлабки ёзувларини олиб келибди. Бу ёзувларни ўқиб, маъқул топдик. Бундан кейин ҳам Уста Содиқ газетамизга тез-тез қатнашиб туришга ваъда берди.

Биринчи воқеа: Эрталаб ишга барвақт кета туриб, Октябрь колхоз бозорига тушдим. Ишхонага бориб нонушта қиламан, деб битта иссиқ ёпган нон, ярим кило ҳусайни олдим. Аксига боғбон акамда узумни ўраб беришга қоғоз топилмади.

— Майли, қўлимга бера қолинг, битта пакет оларман, — дедим-да, бир бош тилларанг узумни кўтариб, ўзимча шундай ноз-неъматни етиштирган соҳибкорларга таҳсин ўқиб, бозор ўртасидан юриб кетдим. Яна аксига олиб, бозорда пакет сотадиганлар йўқ эди. Октябрь колхоз бозори дарвозасидан чиқаверишда, шундай ёнбошда конфет, печенье, ёғ, консерва каби нарсалар сотиб ўтирган йигитчани кўриб, суюниб кетдим. Пештахта ортида чўнқайиб ўтирган йигитчага бир оз эгилиб, самимийлик билан, илтижо қилиб сўрадим:

— Укажон, бир парча қоғозингиз борми, шу узумимни ўраб олай, қарасам бозорда пакет йўқ экан...

Сотувчи йигит ўша бепарволик билан, «Сен ҳам одаммисан?» дегандек қараб турди-да, совуқ муомала қилди:

— Менда ҳам қоғоз йўқ, акам...

Кўзларим жовдираб қолди. Шу пайт сотувчининг шундай ёнидаги картон яшик устида ғижимланиб ётган қоғозни кўрдим:

— Анави ғижимланиб ётган қоғозингизни обера қолинг, укам.

Сотувчи йигитнинг нафрати қўзиб, кўзлари қутургандек ёниб кетди:

— Қанақа одамсиз, кўраяпсиз-ку чой ичаяпман!..

— Кечирасиз ука, чойни панада ичаётганакансиз, кўрмай қолибман. ахир ўша қоғозни олиб беришга ўрнингиздан ҳам турмайсиз-ку, шундай узатворасиз-ку...

Сотувчи энди менга бир нарсадан жиркангандек ғайир билан қаради:

— Жуда елим одам экансиз, манг, олинг!

— У ғижимланган қоғозни отиб юборган эди, нақ кўкрагимга коптокдек урилди, менинг ҳам ҳамиятим, орим келиб кетди:

— Қоғозингизни олиб қўйинг ука, муомалангиз шу бўлса, эрта-индин бурнингиз қонайди, ўшанда шу қоғозга артиб оласиз.

Қоғозни унинг олдига ташладиму, шу атрофдаги киоскадан газета олдим. Биттасига энди узумни ўрамокчи эдим, киоскачи қўлимдан тутди:

— Тўхтанг, биродар, узумни бунга ўраманг, газетанинг бўёғи узумга уриб қолади, ҳозир ўрашингизга оқ қоғоз бераман.

Кўзидан меҳр нури ёғилиб турган, одамгарчиликни ўрнига қўяётган, муомаласи ширин киоскачига қўлимни кўксимга қўйиб раҳмат айтдим:

— Барака топинг, биродар! Меҳрингизга тасаддиқман, кам бўлманг!

Иккинчи воқеа: Чорсудаги бир ошхона олдида товуқ кабоб тайёрланаётган экан. Бу ерда уч-тўрт киши навбат кутиб турар, бир аёл кабобпазга илтижо қилиб дерди:

— Укажон, кабобингиз қизариб, ҳозир куяди, менга икки сих бериб юборинг, жуда шошиб турувдим.

Кабобпазга аёлнинг «ҳозир кабобингиз куяди» деган сўзи ёқмадими, пул санаб туриб аёлга қўрс жавоб қилди:

— Очередга туринг, бўлмаса сизга кабоб бермайман...

— Вой, ука, очередим бор, мана бу биринчи турган синглимдан кейин келдим, ахир касал боламга шундан олиб бормоқчийдим, тезроқ бера қолинг,— куйиниб гапирди аёл.

— Сизга кабоб бермайман, — деди яна такрорлаб тажанг кабобпаз, — касал болангизга олиб борасизми, эрингизга олиб борасизми, сизга кабоб бермайман, қўлингиздан келганини қилинг.

— Ҳой, ука, қанақа қўрссан, — деди навбатда учинчи бўлиб турган киши, — бу опа мендан олдин, иккинчи бўлиб турибди, икки сих кабобни бериб юбора қол, ахир касал болаларининг олдига кетаётган эканлар...

— Сиз мошхўрдага қатиқ бўлманг, менга «кабобинг куйиб кетди» деб ақл ўргатган бу хотинга кабоб бермайман.

Шу зумдаёқ асабларим тортилиб, орага мен ҳам тушдим.

— Турқинг совуқ экан, —дедим кабобпазга,— ахир кабоб сенинг шахсий нарсангмидики, навбатда турган одамга бермайсан! Ҳозир ошхона мудирига кириб, масалангни ҳал қиламан.

Одамлар яхши-да, кўпчилик орага тушиб, аёлга амаллаб кабобни олиб бердик. Турқи совуқ қабобпазга ҳамма нафрат билан қарар, бетига туфургиси келар эди.

Учинчи воқеа: Навоий кўчасидаги ярмаркада бир магазинга кирдим. Пештахта ортида турган сотувчи қиздан сўрадим:

— Калиш борми?

Бошини қимирлатиб, йўқ деган ишорани қилди.

— Ботинка мой борми?

Сотувчи тиши орасидан қандайдир бир оҳанг чиқарди. Унга ҳайрон бўлиб тикилиб қолдим-да, тилимни чиқариб, бармоғим билан кўрсатдим:

— Тилинг, борми, ё соқовмисан, синглим? — дедим.

— Шилқим бўлмай ўлинг! — деб қошини чимирди сотувчи қиз. — Нега энди менга тилингизни кўрсатасиз?...

— Ие-вой, худога шукур-а,— дедим сотувчи қизга, — тилчанг боракан-ку, харидор сени одам деб бир нарсани сўрагандан кейин, сен ҳам одамдек жавоб бер-да.

Мана шу уч воқеада дилкаш одамларни, баъзи дилозорларни кўриб, қаламга олдим, янаги сафар яна одамлар орасида кўрган-кечирганларимдан ёзарман.

Азиз оқшомхонларга ҳурмат-иззат билан:

Уста СОДИҚ.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

3 Тошкент оқшоми

24 СЕНТЯБРЬ, 1981 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IX да **Келинлар қўзғолони**, 25/IX да **Олтин девор**, 26/IX да **Шошма қуёш**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/IX да **Гулсара**, 25/IX да **Ишонмасанг ўламан** (билетлар сотилган). 26/IX да **Ур тўқмоқ** (16.00), **Кулги кечаси** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЮРИЙ ЭЛЬВЕРТИ РАҲБАРЛИГИДАГИ «ҚУШЛАР ЦИРКИ»НИНГ гастроллари.

КИНО

24 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«ШИМОЛ КАШТАЛАРИ»— **Қозоғистон.**

«РАИС»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги.**

«РУЛДА»— **Москва.**

«ҚАЛВИНГДА НИМА БОР-А?» — **Дружба.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ЖАВОБ ЮРИШ» — **К. Ермatов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«ТУШИНГИЗГА ҲАМ КИРМАГАН»— **Тинчлик** (жуфт соатларда).

«МАТРОСЛАРНИНГ САВОЛИ НЎҚ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (тоқ соатларда).

«ОТЛАРНИ КЕЧУВДА АЛМАШТИРМАЙДИЛАР»— **Москва** (11, 14, 17, 20.30), **Восток** (11, 14, 17, 20.00), **Санъат саройи** (11, 13.45, 16.30, 19.45), **Чайка** (12, 15, 18, 20.30), **Фестиваль** (21.20).

«СЎНГГИ ҚОЧИШ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17.00).

«ОГАРЕВА, 6 ПЕТРОВКА, 38» — **Искра** (16, 19.30).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30).

«РОСТГЎЙ, ДОНО, БЎЙДОҚ» — **Дружба** (жуфт, соатларда), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

25 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ЖАВОБ ЮРИШ» — **К. Ермatов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда), **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17).

«МЕТРОСЛАРНИНГ САВОЛИ НЎҚ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (тоқ соатларда).

«ОТЛАРНИ КЕЧУВДА АЛМАШТИРМАЙДИЛАР» —**Москва** (11, 14, 17, 20.30), **Восток** (11, 14, 17, 20.00), **Санъат саройи** (11, 13.45, 16.30, 19.45), **Чайка** (12, 15, 18, 20.30), **Фестиваль** (21.20).

«СЎНГГИ ҚОЧИШ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17.00).

«ОГАРЕВА, 6», ПЕТРОВКА, 38»— **Искра** (16, 19.30).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»— **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30).

«РОСТГЎЙ, ДОНО, БЎЙДОҚ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«ОҚИМГА ҚАРШИ» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

ҚАСБ ТАНЛАШ ҲАР БИР ЁШ УЧУН МУҲИМ МАСАЛА

БУГУН БИЗ САНОАТ ТОВАРЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА ЎҚИШГА ЧОРЛАЙМИЗ!

Мактаб-магазин савдо корхонаси базасида ташкил топган. Ўқувчилар товаршунослик, этика, эстетика, иқтисоддан билим оладилар, шунингдек практика ўтайдилар.

Машғулотлар 5—6 ой мобайнида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, ойига 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқувчилар мактаб-магазинини тамомлаганларидан сўнг кичик сотувчи, кассир, кассир-контролёр мутахассислигини эгаллайдилар ва шаҳардаги саноат товарлари билан савдо қилувчи магазинларга ишга юбориладилар.

ЎҚИШГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗ-ЖУВОНЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИЛАР.



Ўқишга кирувчилар паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойдан справка (Тошкентда пропискада бўлиши шарт), ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ёки саккизинчи синфни тамомлаганлиги тўғрисида шаҳодатнома, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса), иккита фотосурат (6х9 см, ҳажмида) яна 2 та (3х4 см, ҳажмида) топшириши керак.

Директор номига ариза ёзилади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй, (13, 19-троллейбус, 20, 54, 75, 79, 41-автобусларнинг «Шуҳрат» мактаб-магазини» бекати).

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КИРОВ РАЙОН КОРХОНАЛАРИГА

лаборантлар, аппаратчилар, ёрдамчи ишчилар, материаллар ва препаратларни стериализация қилувчилар, ҳар хил слесарлар, сублимацион қурилмаларнинг машинистлари, электр пайвандчилар, электр монтёрлар, подстанция навбатчилари, метериология бўйича техниклар, дурадгорлар, юкларни элтиб берувчи проводниклар, фаррошлар.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

қолипловчилар, штамповкачилар, токарлар, йиғувчи-слесарлар, асбобсозлар, автоматчи токарлар, металл қирқувчилар, фрезерчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА

даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари, врач-гемотологлар, рентгенолог, ҳамшираллар, даволаш физкультураси бўйича инструкторлар, ошхона ишчилари, техник ишчилар.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ АВТОБАЗАСИГА

автомобиль электрчилари, мисгарлар, автослесарлар, автомашина ҳайдовчилари.

СЕРГЕЛИ РАЙОН КОРХОНАЛАРИГА

қолипловчилар, электрчилар, газ-электр пайвандчилар, токарлар ва бошқа ишчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАГА

монтажчилар, сантехниклар, қувур ётқизувчилар, газ пайвандчилар, электр пайвандчилар, вентиляция ишларини олиб борувчилар, қурувчи-инженерлар.

КУЙБИШЕВ РАЙОН АВТОБАЗАСИГА

инженер-механиклар, диспетчерлар, токарлар, аккумуляторчилар, мотористлар, автослесарлар, автокранчилар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ИУЛЛАНМА ОЛИШ УЧУН ҚУИИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт —Пролетар кўчаси, 4-уй, 3- подъезд, 5-хона.

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

Чилонзор район пункти —2-квартал, 3-уй.

Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 89-уй.

Собир Раҳимов район пункти —Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. Икромов район пункти— 22-квартал, 13-уй.

Сергели район пункти — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

26 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

ҚЎРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ МАДАНИЯТ САРОЙИДА

28 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси артистларининг

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Холисхон ҚОДИРОВА, Мўътабар ИУЛДОШЕВА.

СОЛИСТЛАР:

Фахриддин УМАРОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Нодира АҲМЕДОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Фотима БАРАТОВА, Роза КАРИМОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари— Азиз МУЛЛАҲОНОВ.

Программани — Нуржаҳон САТТОРОВА олиб боради.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР: математика, география, тарих, она тили ва адабиёт фанлари бўйича ўзбек ва рус тилларида ҳафтанинг чоршанба, шанба ва дам олиш кунларида олиб борилади.

Курсларга ўрта маълумотлилар, ҳамда 10 синфда ўқиб турганлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: институт ректори номига ариза, ўрта маълумотлилиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, иш жойидан ва турар жойидан справкалар, 2 та фотосурат.

Машғулотлар 20 ноябрь ва 1 январдан бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 183-уй, 1— 30-хона.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти қошидаги Ф-ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ФИЛИАЛИ қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қўлда ҳарф терувчилар, линотипчилар, печатниклар, муқовачилар.

Ўқишга ўрта маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати —бир йил.

Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Машғулотлар 15 ноябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қошидаги 104-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти 1981—82 ўқув йилига қўшимча

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8 синф маълумоти бўлганлар қуйидаги касблар бўйича уч йиллик ўқишга қабул қилинади: **контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикаси ремонти бўйича слесарь. Ёритиш асбоблари, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи; юқори вольтли электр узатиш линиялари монтажи ва ремонти бўйича электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.**

Ўқувчилар 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул билан мукофотланадилар.

Битириб чиқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг белгиланган формада диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига юборилади.

Ўрта маълумоти бўлганлар ва Совет Армияси хизматидан қайтиб келганлар қуйидаги касблар бўйича

6 ОЙЛИҚ КУРСЛАРГА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, қувур агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, электр асбоб-ускуналарининг монтажчиси, электр пайвандловчи.

Шунингдек ўрта маълумоти бўлган ёшлар бир йиллик ўқишга қабул қилинадилар: **иссиқлик билан ишловчи кучланиш асбоб-ускуналарининг ремонти бўйича слесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.**

Машғулотлар — группалар тўлгандан кейин бошланади.

Ўқувчилар ўқиш даврида 75 сўм степендия оладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофотлари оладилар.

Билим юртини тамомлаганлар белгиланган формада аттестат оладилар.

Билим юртида ўқувчиларнинг яхши билим олишлари учун яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, спорт тўгараклари, бадиий тўгараклар маавжуддир.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга махсус автобус хизмат кўрсатади.

Билим юртининг ётоқхонаси бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: директор номига ариза; маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмли 3 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий хизмат гувоҳномаси ёки ҳарбий билет.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент область, Оржоникидзе район, ТошГРЭС посёлкаси (152-Олой бозори — Қибрай автобуси ва 115-автобуснинг «ТошГРЭС» посёлкаси» бекати). Телефонлар, 62-12-16 62-12-51, қўшимча телефонлар: 6-12, 3—18.

ҲАММА УЧУН СОАТЛАР

Одамлар қадим замонлардан буён соатлардан фойдаланиб келишган. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган «Чайка», «Полёт», «Электроника» соатлари вақтни ҳисоблаб турадиган аниқ ва ишончли ишлайдиган механизмлари билан ўзининг ўтмишдошларидан қайси жиҳатлар билан фарқ қилади.

Инсон дастлабки пайтларда фойдаланган соатлар қуёш воситаси билан вақтни англатиб турган. Лекин бундай соатлар билан вақтни фақат кундуз куни билиш мумкин эди. Энг қадимий «суткали» соатлар— «оловли» бўлиб, унинг ҳар бир бўлагида шамлар ўрнатилган эди. Бу шамлар ёниб туришни меъёрда таъминлайдиган ўзига хос омухталардан тайёрланар эди. Бундай соатларнинг пилигига гуркираб турувчи турли гиёҳларнинг кукуни сепиб қўйиларди. Бу гиёҳлар ҳар соатда ўзига хос ҳидни аниқтиб турарди.

Кейинчалик «оловли» соатлар ўрнини сувли ва қумли соатлар эгаллай бошлади. Дастлабки маятник ва шестерняли механик ҳаракатланувчи соатлар XI асрнинг бошларида Хитойда пайдо бўлган. Бу соатларнинг ҳажми бесўнақай бўлиб, унинг барча механизмлари анча жойни эгаллаб турарди. Бундан анча кейинроқ, XVI асрнинг бошларида, якка тартибда ҳамёнга солиб юриладиган дастлабки соатлар пайдо бўла бошлади.

Бундан бирмунча вақт илгари эса будильник соатлари ишлаб чиқарилган. Уларнинг айримлари ўзининг конструкциялари билан ажралиб турган. Бундай будильниклардан бирининг ҳаракатланиш хусусияти шундай тузилган эдики, бу соатларнинг махсус таглигига бир чимдим порох ташлаб қўйилган. Соат милларини эса керакли вақтга тўғрилаб қўйишган. Болғача порохга урилиши билан керакли пайтда кичик портлаш соат эгасини вақт қанча бўлганлигидан огоҳ қилган.

Бугунги кунда биз ғаройиб шаклда ишланган ва қўпол ҳажмли соатларга муҳтож эмасмиз. Замонавий соатлар нафис ишланган, вақтни ғоят аниқ кўрсатади, ишончли, тайёрланиши бўйича ранг-баранг. Мамлакатимизнинг 17 та соатсозлик заводи техника маълумотлари, шакли, безалиши, мақсади бўйича ранг-баранг бўлган ҳар хил соатларни ишлаб чиқармоқда.

Бу соатлар гардишли, тўғри бурчакли, квадратли, циферблати оқ ва рангли, усти хромланган, олтин суви югуртирилган. Бу олтин соатлар тўйларда, туғилган кунларда, юбилейларда тақдим қилинадиган аъло совғалардир.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«СОАТЛАР» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНИ

ТУРЛИ МАРКА ВА МОДЕЛДАГИ СОАТЛАРНИ СИЗНИНГ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ

«Соатлар» магазинида «ПОЛЕТ» соатларининг тўрт хил моделини кўрсатишади. Бу маркадаги қўлга тақиладиган соатлар мамлакатимизда ва чет элларда ғоятда машҳур бўлиб кетган.

1 классли «ПОЛЕТ» соатларида марказий секунд мили, қўшалоқ календарь ўрнатилган. Бу соатларнинг корпуси хромланган, чангни ўтказмайди. Баҳоси— 51 сўм;

1 классли «ПОЛЕТ» соатлари сиртига олтин суви югуртирилган, унда марказий секунд мили, бир дақиқанинг ўзида ой ва кунларни кўрсатиб турадиган календарь ҳам ўрнатилган. Бу соатлар зарбга қарши қурилмалар билан таъминланган. Баҳоси— 54 сўм 60 тийин;

1 классли «ПОЛЕТ» соатлари, сиртига олтин суви югуртирилган, қўшалоқ календарь ўрнатилган, муруввати автоматик равишда бураліб туради. Баҳоси— 78 сўм.

Шунингдек, савдода «ПОЛЕТ» соатларининг кварцли электрон-механикли намуналари ҳам бор. Баҳоси —87 сўм;

Электрон соатлар ўзининг юксак даражада вақтни тўғри кўрсатиб туриши, аниқ юриши ва ишончлилиги туфайли ҳамон оммалашиб бормоқда. Уларнинг муруввatини ҳар куни бураб туришга ҳожат йўқ, вақти солиштирилмайди, уларга магнитли ёки электрли майдонлар таъсир қилмайди.

«ЭЛЕКТРОНИКА—Б6—202» маркали соатнинг циферблатига бир нигоҳ ташлашингизнинг ўзи кифоя. Ана шу дақиқанинг ўзида вақтнинг қанча бўлганлиги, минути, секунди, ҳатто ҳафтанинг, ойнинг қайси куни эканлигини бир зумда билиб оласиз. Бу соатлар ўзининг юксак даражада аниқ юриши ва ишончлилиги билан ажралиб туради, улар интеграл схемалар асосида ишланган. Бундай соатларни тозалаб ва мойлаб туришга ҳожат йўқ. Бу соатларнинг муруввати буралмасдан узлуксиз ишлаб туриш муддати 1 йил.

Хотин-қизлар учун аталган соатлар биринчи навбатда зарур бўлибгина қолмай, балки ўзига хос зебу-зийнат, уларнинг либосига тўкислик бахш этадиган буюмлардир. Хотин-қизлар учун соатлар танлаб олаётганингизда, биринчи навбатда, қўлга тақиладиган «Заря» механик соатларга эътибор беринг. Улар аёл кишини башанг қилиб кўрсатади, қўлида чиройли кўринади, ўзининг ғоятда аниқ юриши ва ишончлилиги билан ажралиб туради.

Тўйлар, уй тўйларига бориш учун тайёргарлик кўраётганингизда албатта стол соатлари ва девор соатларига эътибор беринг.

Ана шу мақсадда «НАИРИ» стол музикали соат будильниклари, «МАЯК» деворга осиладиган электрон-механикли соатлар, «ЭЛЕКТРОНИКА—2—05» маркали стол электрон соатларни Сизларнинг диққатингизга тавсия қиламиз.

«ЭЛЕКТРОНИКА» соатлари электр тармоғидан қувват олиб ишлайверади. Талаб этадиган қуввати 6 ватт—бу энг кичик электр лампаси сарфлайдиган қувватдан икки марта кам. Бундай соатлар вақтни ва минутни экран индикаторида равшан қилиб кўрсатади. Бу соатларнинг ёришиб туриши тунги лампа ўрнини ҳам босади. Баҳоси— 50 сўм.

Навоий кўчасидаги 14-уйда жойлашган



18-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН «СОАТЛАР» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Магазинга 28, 64, 65-автобуслар, 7, 8, 11, 15, 16-трамвайлар, 1, 4, 8, 18-троллейбуслар билан «Санъат саройи» бекатигача борилади).

Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. 14.00 дан 15.00 гача танаффус. Якшанба дам олиш куни.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДАГИ ЗАНГОРИ

24 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.50 «Мен ҳам ашулани танладим». Фильм-концерт. 18.30 «Фан оламида». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Алоқа—81». Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси ҳақида репортаж. «Алоқа системалари ва воситалари». 19.45 «Куз». Музикали этюд. 19.50 Гвинея-Бисау миллий мустақил деб эълон қилинганлигининг 8 йиллигига, «Гвинея-Бисау — бугунги кун». Кўрсатувни Б. Пархоменко олиб боради. 20.25 «Жон Графтон»ни кутинг». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Катта симфоник оркестр билан бир соат». 23.20 «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Қора товуқ». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик студияси кўрсатади». «Биз—80-йиллар комсомоллари». 19.00 «Фан уфқлари». Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти — 50 ёшда. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Ишчанлик руҳидаги даврада: мулоҳаза, мунозара, муҳокама». «Шаҳар ва автомобиль». (рус). 20.30 «Ахборот». 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими». Бадиий фильм. 3-серия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

II

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Токарь» Телефильм. 18.50 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус). 19.20 Классик куй саҳифалари. Д. Д. Шостакович туғилган кунининг 75 йиллигига. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Янги кунни қаршилаб». Телефильм. 20.40 «Ҳужжатли кино экрани». 21.30 МТ IV.

25 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси,

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 11.05 «Жон Графтон»ни кутинг». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.10 «Чегарасиз қитъа». Илмий-оммабоп фильм. 12.30 «СССР халқ артисти М. Мордасова куйлайди». 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси: «Уч учрашув» (Тошкент), «Юрий Питранинг катта оиласи» (Киев), «Қишлоқ кўчмоқда». (Горький шаҳри). 16.35 «Лу Синь». Туғилган кунининг 100 йиллигига. 17.20. «Москва ва москваликлар».

17.50 Волейбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Финал группаси ўйинлари. Болгариядан олиб кўрсатилади. 18.15 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. П. Девятаев билан учрашуви. 19.00 «Нега энди филлар?». «Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Мамлакат далаларида». Рязань областида картошка ўрим-йиғими ҳақида. 19.45 СССР халқ артисти М. Биешу ижросида совет композиторларининг қўшиқлари. 19.55 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 20.20 «Жон Графтон»ни кутинг». Телевизион бадиий фильм премьераси 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». «Асримизнинг антиқа сирлари». Телевизион илмий-оммабоп фильм премьераси. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Сизни оперетта тақлиф этади».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 Литва ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Катилюс чалади. (скрипка) 20.55 «Баландпик билан даволаш». Илмий-оммабоп фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Севгига ўтсак». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серийлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси,

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ўчта қувноқ чўчқача». Телевизион қўғирчоқ театрининг спектакли (такрорий). 12.05 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 12.35 «Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими». Бадиий фильм. 3-серия. 13.45 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 14.15 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Биз «Юлдуз»да рақсга тушамиз». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Мўъжизалар оламида». Цирк программаси. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Фендинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими». Бадиий фильм. 4-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Ломоносов». Телефильм. 18.45 Ўқитувчилар учун консультация (рус.). 19.15 «Жамоат тартибининг пешқадамлари». 19.45 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Авлодлар биографияси» (рус.). 20.50 Машинасозлар кунига. Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 21.30 МТ IV.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —33-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери—32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 39-00-50.

24 СЕНТЯБРЬ, 1981 й. Р—07370. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В—2198. индекс 64690. 9